



Schweizerische Eidgenossenschaft  
Confédération suisse  
Confederazione Svizzera  
Confederaziun svizra



**IWMI**  
International  
Water Management  
Institute



**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ДАЛА ШАРОИТИДА ЕРНИ ВА СУВНИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЛОЙИХАСИ**

# **АГРОМЕЛИОРАТИВ БЮЛЛЕТЕН**

**(ҒЎЗА ЧЕКАНКА ҚИЛИШ БУЙИЧА  
ТАВСИЯЛАР)**



**ФАРҒОНА**

## Ғўза чеканкаси.

Ғўза парвариши билан боғлиқ агротехника тадбирлари комплексида чеканка муҳим аҳамият касб этади. У ҳосил тўплашни жадаллаштирувчи омиллардан бири. Ғўзани чеканка қилиш муддати июль ойининг иккинчи ун кунлигидан бошлаб август ойининг биринчи ўн кунлигигача давом этади.

Албатта ғўзани чеканка қилиш муддатини белгилашда унинг ривожланиш ҳолати муҳим аҳамиятга эга. Чеканка етарли равишда озиклантирилган, суғорилган ва яхши парваришланган майдонлардаги ғўзаларда ката Самара беради. Бундай майдонларда ўз вақтида ўтказилган чеканка ҳосилдорликни ҳар гектар ерда 3-5 центнергача оширишга олиб келади. Чеканка самарадорлиги кўп жихатдан унинг қандай муддатларда ўтказилишига боғлиқ.

Маълумки ғўза кўплаб ҳосил элементлари тўплайди, бироқ уни ярми турли факторлар таъсирида тўкилиб кетади. Ҳосил тугунчаларининг тўкилиши асосан июл ойидан бошлаб август ойининг биринчи ўн кунлиги орасида кўпаяди. Шу сабабли бизнинг шароитимизда чеканкани июл ойининг иккинчи ун кунлиги охири ва август ойининг биринчи ўн кунлиги бошида ўтказилса ҳосил тугунчаларини тўкилиб кетиши олди олинади.

Ғўза чеканкасини уни ўсиши ва ривожланишини ҳисобга олиб табақалаб ўтказган маъқул. Чеканка дастлаб ўсимликда 15-16 та ҳосил шохлари пайдо бўлганда, иккинчи маротаба эса 7-10 кун ораслатиб ўтказилади.

Биринчи маротаба чеканка ўтказилганда асосан ғўзани ўсув нуқтаси чилпиб олиб ташланади, натижада ғўзани ён шохларига қўшимча озуқа моддалари оқиб келади ва ён шохлар чеканка қилинганда ўша шохлардаги мавжуд ҳосил тугунчалари тез ривожланиб улардаги мавжуд кўсаклар бўлак бўлиб етилади.

Пленка остига чигит экилган майдонларда ғўзани чеканка қилиш муддати:

Қўш қаторлаб экилган майдонларда ғўзани чеканка қилиш ҳар бир туп ғўзада 2 донадан кўсак ва 12 донадан ҳосил шохи бўлганда, якка қаторлаб экилган майдонларда эса ғўзани чеканка қилиш ҳар бир туп ғўзада 3-4 донадан кўсак ва 13-14 дона ҳосил шохи бўлганда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ғўза чеканкасини ўтказишни уч хил усули мавжуд;

### **1. Қўл кучи ёрдамида ғўзани чеканка қилиш (бу усул ҳозирги кунда асосий усул ҳисобланади)**

Қўл кучи билан чеканка қилишда ғўзанинг асосий ва ўсув шохлари учи чилпиб олинади. Бу усулда қўл меҳнати сарфланса ҳам иш сифатли бажарилади. Қўл кучи билан ғўзани чеканка қилинганда ғўза ўсув нуқталарини чилпиётганда узиб ташланган ўсув нуқталарини ерга ташлаб юбормасдан этакларга тўплаб дала четига олиб чиқиб кўмиб ташланади.

Кўсак қурти асосан ўсув нуқталарига тухум кўяди агар этакларга тўплаб олиб чиқиб кўмиб ташланса шу ўсув нуқтасидаги кўсак қурти етказадиган зарарни олди олинади.

### **2. Механизация ёрдамида ғўзани чеканка қилиш**

Бу усулда чеканка қилиш икки хил муддатда ЦВХ-4 аппаратини культиватор чопиқ тракторига тиркаб амалга оширилади.

Биринчи муддатда чеканка қилишда пичоклар нормал ривожланган 14-16 ҳосил шохли ғўзаларга мослаштирилади. Орадан 7-10 кун ўтказилиб, чеканка қилинмаган ғўзаларнинг бўйи чеканка қилинган ғўзаларни бўйидан ошганда яна бир марта чеканка қилинади.

Унда пичокларни яна 5 см кўтариш лозим.

Механизм ёрдамида чеканка қилинганда ғўза тупларининг тепа қисмидан 2-3 см текис кесиб тупларининг тепа қисмидан 2-3 см текис кесиб кетилишини муттасал кузатиб бориш зарур .

### **3. Кимёвий перепаратлар ёрдамида чеканка қилиш.**

Кейинги йилларда одам, хайвон ва ҳашоратлар учун ҳам зарарли бўлмаган «ТУР» ва «ПИКС» СОЖЕАН, Уз ТИКС препаратлари

ёрдамида кимёвий чеканка қилиш кенг қўлланилмоқда. Бу усулда қўл меҳнати ва механизатция ёрдамида ўтказилган ғўза чеканкасига нисбатан анча кам меҳнат сарф бўлади.

Бу перепартлар ўсимлик ўсув нуқтасини тўхтатиш, кўсаклар очилишини тезлатиш, пахта ҳосилини ошириш ва тола сифатини яхшилаш қобилиятига эга.

Бунда ғўза ҳосил шохлари 13-14 тага етганда гектарига 200-250гр ТУР препаратини 500-600 литр сувга эритиб пуркалади. ПИКС препаратини меъёри гектарига 1-1,65 литр бўлиб ғўза бўйи 45-60 см га етганда ёки 10 метр оралиқда жойлашган ғўзада 8-10 та ок гул пайдо бўлганда сепиш мақсадга мофиқдир.

ПИКС ғўза ўсимлигига асосан барглари орқали таъсир этади. ПИКС сепилгандан сўнг 3-6 кун ўтгач ғўза барглари тўқ яшил рангга кира бошлайди.

ПИКС таъсирида ғўза ҳосил шохлари оралиғи қисқаради. Натижада горизантал ва вертикал бўйлаб ўсимликнинг ўсиши деярли тўхтайдди. ПИКС препарати ғўзани ўсув нуқтасини тўхтатиш ва кўсакларнинг тўлиқ етилиши эвазига пахта ҳосили гектарига 2-8 центнергач ошгнлиги тажрибада аниқланган.

СОЖЕАН препарати ҳар гектар ерга 60 гр, Уз ТЕКИС препарати эса 1,5-2 кгдан сарфланади. Одатда ғўза чеканкасини қайси усулда бажарилишидан қатъий назар ғўза қатор оралиғига сув қўйилгандан сўнг тупроқнинг етилиш даврида ўтказилади. Сув қўйилмаган ерларда чеканка қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Агар чеканка қилишдан кейин ғўза суғорилса, у ғовлаб кетади, оқибатда пахта ҳосили кеч очилади ва камайиб кетади.

**Тавсиянома «Фермер хўжаликлари даласида сувнинг маҳсулдорлигини ошириш» лойиҳаси М. Мирзалиев, И. Ганиев, Х. Умаров ва Сирдарё-Сўх ИТҲБ К. Кобулов томонидан тайёрланган.**